IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: VT3112808145

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA № VT3112808145

1. **Loyihaning turi:** Pudrat shartnomasi.
2. **Loyihaning nomi**: Qo`shtepa tumani yo`llardan foydalanish unitary korxonasi bilan 582097000-so`mlik G`istmon m.f.y. Manaviyat, Ibn Sino, Nafosat ko`chalari ichki yo`llarni joriy ta`mirlash xaqida shartnoma.
1. **Loyihani ishlab chiquvchi:** Qo'shtepa tumani obodonlashtirish boshqarmasi.
2. **Loyiha kiritilgan sana:** 23.06.2022.

## HUQUQIY EKSPERTIZA XULOSASI:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasini 29.08.1998-yil kungi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'ridagi" qonuni, O'zbekiston Respublikasini 22.04.2021-yil kungi „Davlat xaridlari to'g'risida" gi qonunlari O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasini 20.05.2022-yil kungi „Davlat xaridlarini amalga jshirish bilan bog`liq tartib taomillarni tashkil etish va o`tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash xaqidagi" №276-sonli qarori bilan tartibga solinadi.

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasini 29.08.1998-yil kungi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'ridagi" qonuni, O'zbekiston Respublikasini 22.04.2021-yil kungi „Davlat xaridlari to'g'risida" gi qonunlari O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasini 20.05.2022-yil kungi „Davlat xaridlarini amalga jshirish bilan bog`liq tartib taomillarni tashkil etish va o`tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash xaqidagi" №276-sonli qarori xamda amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, undan foydalanish mumkin.

**Loyihani huquqiy ekspertizadan o`tkazuvchi:**

Qo'shtepa tumani yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti

**E. A. Abduvoyitov**

**27.06.2022.**

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №24

Қўштепа т. «16» июнь 2022 йил

Қўштепа туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомига асосан фаолият юритувчи корхона директори М.Рўзибоев бир тарафдан ва ***Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси*** (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомга асосан фаолият юритувчи директори ***Ш.Умурзақов*** иккинчи тарафдан жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1.ТАРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

### 2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1. "Буюртмачи" топширигига асосан **Ғиштмон мфй Маънавият, Ибн сино ва Нафосат** кўчасини ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган холда бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Пудратчи"га ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларига асосан 2022 йил 16 июн кундан бошланиб бажариш муддати: 20 кун 2022 йил 06 июл кунига якунланади.

### 3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

| № | Бажарилиши лозим ишни номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Ғиштмон мфй Маънавият, Ибн сино ва Нафосат** кўчаларини ички йўлларини жорий таъмирлаш ишлари | комплект | 1 | 582097000 | 582097000 |
| | Жами: | | | | 582097000 |

### 3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

- 3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган умумий ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда **582097000** (Беш юз сасон икки миллион тўқсон етти минг) сўмни ташкил этади.
- 3.2. Мазкур шартномага асосан пудратчи томонидан объектда **582097000** (Беш юз сасон икки миллион тўқсон етти минг) сўмлик ишлар бажарилади ва буюртмачи томонидан пудратчига бажарилган ишлар учун берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, ажратилган маблағнинг 100% молиялаштирилади.
- 3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 4.ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- зарур холларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмдан фойдаланилиши, белгиланган сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

- Пудратчи Буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

4.2. "Пудратчи" мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун "Буюртмачи" олдида тулик мулкий жавоб беради.

4.3. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

4.4. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз хисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 3.3-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-"Пудратчи"ни ўз вақтида лойиха-смета хужжатлари билан таъминлайди;

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллагунгача бўлган даврда далолатнома бўйича "Пудратчи"га беради;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган "Пудратчи" томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, "Пудратчи"дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлашни амалга оширади;

- ушбушартномаданазардатутилганмуддатдава миқдорда "Пудратчи"га хақ тўлайди;

- "Пудратчи"нингбарчамурожаатлариниўн кун муддатда кўрибчиқади.

## 6.ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

6.1. “Буюртмачи” ушбу шартномага асосан “Пудратчи”нинг хисоб рақамига шартномада кўрсатилган қийматнинг 30%гача миқдорида аванс маблағини ўтказади.

6.2.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилганидан кейин берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100% миқдорида амалга оширилади.

6.3."Пудратчи"нинг бошқа харажатлари лойиха-смета хужжатларида кўрсатилган бошқахаражатлар қийматидан ошмаган холда тўловга қабул қилинади.

6.4.Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## 7.ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

7.1. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

7.2. "Буюртмачи" қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторини тайинлайди. У "Буюртмачи"нинг номидаи бажарилаётгаи ишлар сифатиустидан техник назоратни амалга оширади.

## 8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мафор холатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

8.4. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## 9. КАФОЛАТЛАР.

9.1."Пудратчи":

- барча ишларни тўлиқ хажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди.

9.2."Пудратчи";

- барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчилик ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди, объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар "Пудратчи" томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

9.4. Агар "Пудратчи" бажарилган ишлардаги нуқсон ва чала ишларни далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, уларни текшириб чиқиш «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишдан истисно этмайди.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2.Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрстаилганўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект хисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун "Буюртмачи" "Пудратчи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши "Буюртмачи"ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3."Пудратчи" объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш "Пудратчи"ни ишларнибажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда "Буюртмачи" «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси»нинг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек "Пудратчи"дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100% гача миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

## 11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида, белгиланган тартибда Иқтисодий Суд томонидан кўриб чиқилади.

## 12.ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

12.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## 13. ШАРТНОМАГА КЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

13.1. Ушбу шартномага хар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хақиқий кучга эга бўлади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

13.3. Шартномани бекор килишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 14. МАЖБУРИЯТЛАРНИ АМАЛДА БЎЛИШ ШАРТИ ВА МУДДАТИ.

14.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабригача амал қилади.

14.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (Икки) нусхада тузилди.

## 14. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

**“БУЮРТМАЧИ”**

Қўштепа туман Ободонлаштириш бошқармаси
Манзил: Қўштепа туман Шодлик мфй Нуробод кўчаси №47 уй Тел:73-425-22-70

Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Бувайда туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси
х\р: 23402000300100001010
Банк номи :Марказий Банк Тошкент ш.ББХККМ
МФО: 00014 ИНН:201122919
Ш.Х.Р. 401722860302067065200110005
ИНН:200177201 ОКОНХ:90190
Раҳбар: М. Рўзибоев

(имзо)

**“ПУДРАТЧИ”**

Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси
Манзил:Қўштепа т Шодлик МФЙ Шафтолибоғ 3-уй
Тел./факс: 73-425-17 -52
х/р: 2021 0000 5045 1932 1001
МФО: 00493
ИНН: 200 178 294
Банк номи: ТИФ Миллий банк Фарғона филиал
ОКОНХ:42110

Пудратчи раҳбари: Ш. Умурзаков

(имзо)

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 92610 на приобретение Гиштмон мфй Маънавият, Ибн сино ва Нафосат кучаларини асфалтлаштириш 582097,0

Способ проведения электронный

Дата 07.06.2022

Время рассмотрения 07.06.2022 15:35

Конкурсная комиссия Куштепа тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RAKHMAONKULOV ABDUSAMAT ABDURAIMOVICH | ТХ Мухандиси | Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Секретарь комиссии** | Жураев Равшан Абдикодирович | Котиб | Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | MADRAXIMOV GANIJON ABDURAXMONOVICH | Бош хисобчи | Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | IBRAGIMOV SHUXRAT KAMOLOVICH | Электромонтёр | Ободонлаўтириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV RAXIMJON MAXAMMADJONOVICH | булим бошлиги | Ободонлаштириш |
| **Член комиссии** | ISMOILOV SOLIJON ISROILOVICH | Механик | Ободонлаштириш бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.06.2022 года № лота 92610.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 5

Предмет закупки:

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог |
|---|---|
| Подробное описание | Гиштмон мфй Маънавият, Ибн сино ва Нафосат кучаларини асфалтлаштириш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 582 097 000.00 |
| Стартовая сумма | 582 097 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Корхона ташкилот хакида тулик маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома. Низом. Литсензия сертификат ва шунга ухшаш хужжатлар (хозирги кундаги категоряси)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi** | 20 | Гувохнома. Низом. Литсензия сертификат ва шунга ухшаш хужжатлар (хозирги кундаги категоряси) | 20 | Экспертная | | |
| **"MAYRAM" xususiy korxonasi** | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| **Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас** | 20 | 563519656 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №2 Бажарилган ишлари ва ишчи ходимлари тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Асфалтлаштириш ишларига оид бажарилган ишлари ва ишчи мутахасис ходимлари тугрисида маълумот. Иш(хизмат)ларни асослантириш учун хизматлар калкуляцияси (Офёрта) тасдиклангани.(Такдим этилаётган маълумотлар сифатли аник тасдикланган холда такдим этилиши шарт )

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН** | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |
| **"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi** | 20 | Асфалтлаштириш ишларига оид бажарилган ишлари ва ишчи мутахасис ходимлари тугрисида маълумот. Иш(хизмат)ларни асослантириш учун хизматлар калкуляцияси (Офёрта) тасдиклангани.(Такдим этилаётган маълумотлар сифатли аник тасдикланган холда такдим этилиши шарт ) | 15 | Экспертная | | |
| **"MAYRAM" xususiy korxonasi** | 20 | мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| **Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас** | 20 | 563519656 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Машина механизмлари туғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона балансидаги машина ва махсус техникалар хакида тулик маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi** | 20 | Корхона балансидаги машина ва махсус техникалар хакида тулик маълумот Таклиф Тавсия этилаётган қиймат: Файл талаб қилинади: 1 (Зарур) Файл не выбран | 17 | Экспертная | | |
| **"MAYRAM" xususiy korxonasi** | 20 | мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| **Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас** | 20 | 563519656 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Солик ва бошка ташкилотлар билан карздорлиги хакида

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тасдиклангани.(дебитор кредитор)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН** | 20 | 20 | 10 | Экспертная | | |
| **"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi** | 20 | Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тасдиклангани.(дебитор кредитор) | 20 | Экспертная | | |
| **"MAYRAM" xususiy korxonasi** | 20 | карзи йук | 20 | Экспертная | | |
| **Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас** | 20 | 563519656 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №5 Солик хисоботи ва баланс хисоботлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ турларидан хисобот топширилиши баланс хамда банк хисоб рақамида бажариладигон ишга нисбатан 10% миқдорида пул маблағи бўлиши (такдим этилаётган маълумотлар сифати аниклиги хисобга олинади)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН** | 20 | 20 | 17 | Экспертная | | |
| **"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi** | 20 | Солиқ турларидан хисобот топширилиши баланс хамда банк хисоб рақамида бажариладигон ишга нисбатан 10% миқдорида пул маблағи бўлиши (такдим этилаётган маълумотлар сифати аниклиги хисобга олинади) | 17 | Экспертная | | |
| **"MAYRAM" xususiy korxonasi** | 20 | Барқарор | 18 | Экспертная | | |
| **Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас** | 20 | 563519656 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН** | 582 097 000.00 | 565 533 111.00 | 04.06.2022 09:30:09 | 19.56 |
| **"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi** | 582 097 000.00 | 575 000 000.00 | 05.06.2022 14:53:18 | 19.23 |
| **"MAYRAM" xususiy korxonasi** | 582 097 000.00 | 552 992 150.00 | 06.06.2022 00:40:13 | 20.00 |
| **Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас** | 582 097 000.00 | 582 097 000.00 | 06.06.2022 09:44:43 | 19.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ФАРГ_ТУМ ЙУЛЛАРДАН ФОЙДАЛДАЛАН** | 65.6 | 19.55649 | 85.15649 |
| **"FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi** | 71.2 | 19.23451 | 90.43451 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| "MAYRAM" xususiy korxonasi | 70.4 | 20 | 90.4 |
| **Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас** | 74.4 | 19 | 93.4 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 92610 от 07.06.2022 года на приобретение Гиштмон мфй Маънавият, Ибн сино ва Нафосат кучаларини асфалтлаштириш 582097,0 определила победителем:

Қўштепа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонас
200178294

и резервный исполнитель: "FAYZLI ALIMARDON" xususiy korxonasi (205235520)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RAKHMAONKULOV ABDUSAMAT ABDURAIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV RAXIMJON MAXAMMADJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MADRAXIMOV GANIJON ABDURAXMONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | IBRAGIMOV SHUXRAT KAMOLOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISMOILOV SOLIJON ISROILOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
Қўштепа туман ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи:
________________М.Рўзибоев.

**Техник топшириқ**

**Фарғона вилояти Қўштепа тумани Ғиштмон мфй Маънавият, Ибн сино ва Нафосат кўчаларини 1.4 км жорий таъмирлаш**

| № | Наименование раздела | Пояснения к разделам |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Фарғона вилояти Қўштепа тумани Ғиштмон мфй Маънавият, Ибн сино ва Нафосат кўчаларини 1.4 км жорий таъмирлаш |
| 2 | Объектни жойлашуви | Фарғона вилояти Қўштепа тумани Ғиштмон мфй Маънавият, Ибн сино ва Нафосат кўчаларини |
| 3 | Лойихалаш учун асос | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5072-сонли қарори |
| 4 | Бюртмачи | Фарғона вилояти Қўштепа тумани ободонлаштириш бошқармаси |
| 5 | Бюртмачи манзили | Фарғона вилояти Қўштепа тумани Шодлик МФЙ Нуробод кўчаси №47 уй |
| 6 | Иштирокчилар учун талаблар | Фарғона вилояти Қўштепа тумани Ғиштмон мфй Маънавият, Ибн сино ва Нафосат кўчаларини 1.4 км жорий таъмирлаш |
| 7 | Харид режа жадвали | 2022 й йиллик |
| 8 | Танлов ўтказиш ойи | 2022 йил Май ойида |
| 9 | Танловнинг энг юқори қиймати (ҚҚС билан) | 582 097 000 сўм ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кўриб чиқилмайди |
| 10 | Молиялаштириш манбаси | Бюджет хисобидан |
| 11 | Товар ва хизматлар етказиб бериш манзили шакли | Фарғона вилояти Қўштепа тумани |
| 12 | Товар хизматларни бажариш муддати | 20 иш куни |
| 13 | Таклифларни тақдим қилиш тартиби ва шакли | Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилган тартибга асосан |
| 14 | Таклифларни тақдим қилиш муддати | 5 иш кунидан кам бўлмаган муддатда |

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Қўштепа туман ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи
_________________М.Рўзибоев.

# Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қўштепа-2022

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
II. Техник қисм
III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Фарғона вилояти Ғиштмон мфй Маънавият, Ибн сино ва Нафосат кўчаларини асфальтлаштириш учун лойиха-смета хужжатлари ва экспертиза хулосалари асосида таъмирлаш ишларини бажариш

1.2. Танлов охирги қиймати 582 097 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 календар кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қўштепа тумани ободонлаштириш бошкармаси, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Қўштепа тумани Шодлик мфй Нуробод кўчаси 47-уй

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 10 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;
- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Комиссия раиси: А.Рахмонкулов

Комиссия аъзолари: Р.Абдуллаев.

Қ.Юлдашев.

Ғ.Мадрахимов.

Йиғилиш котиби: Р.Жўраев.